



## Танамиздаги қўриқчилар



15:00 / 09.02.2021 2011

*(Иккинчи мақола)*

**Бурнимиз.**



Бурун ажойиб тарзда яратилган аъзо бўлиб, ичида устма-уст жойлашган мугуз пластинкалар бор. Ҳаво ўша пластинкалар орасидан узоқ масофани босиб ўтади. Нега?

Маълумки, инсоннинг тана ҳарорати 36 даража бўлиб, қиш кунларида ҳарорати 0° бўлган ҳаводан нафас олади. Ушбу совуқ ҳаво бурун ичидаги пластинкалардан айланиб ўтиб, ўпкага илиқ ҳаво тарзида етиб боради.

Инсоннинг саломатлигида бурундаги ушбу мугуз пластинкаларнинг катта ўрни мавжуд. Чунки уларда мушакларга бириккан қон томирлари бор. Бу мушаклар кенгайса, ундаги қоннинг миқдори ортади. Инсоннинг бурни совуқ кунларда қизил рангда кўринади. Бу ранг қаердан келди? Бу ўша буруннинг ичидаги қон томирлари кенгайганидан далолат. Илиқ қон бу томирларга келгач, пластинкаларни илитади. Пластинкалар илигач, уларнинг орасидан ўтаётган совуқ ҳаво ҳам илийди.

Агар инсон оғзи орқали нафас олса, жуда кўп касалликларга чалинади. Бурундан нафас олганда эса, совуқ ҳаво илиши натижасида касалликлардан қутулади. Шунингдек, мазкур пластинкалар шилимшиқ ва ёпишқоқ модда билан қопланган. Бу модда бурунга ҳаво орқали кирадиган чанг ва бошқа зарарли микробларни тутиб қолади. Гоҳида инсон чангли ҳавода нафас олганда, бурнидаги шилимшиқ моддага ўша чанглар ёпишади. Бурнини ювганда ўша чангларни қорамтир рангда кўради. Бу ердаги улкан ҳикматни қаранг!

Агар чанг ҳаводан нафас олганимизда, баъзи чанг заррачалари ёпишқоқ моддадан қутулиб қолди. Энди уларни нима тутиб қолади? Энди уларни бурун ичидаги туклар тўсиб қолади!

Пластинкалар ҳам шилимшиқ модда билан, ҳам тук билан қопланган.

Шундай қилиб бурун орқали ўтаётган совуқ ҳаво илийди ва шиллиқ пардаларга тегиб намланади. Чанглар ёпишқоқ моддага ёпишиб қолади. Улардан ўтгани тукларга илинади. Бурун шилимшиғидаги моддалар Бурун бўшлиғига тушган микробларни бир қадар юқумсизлантиради. Хуллас, зарарли модда ичкарига, ўпкага ўтмаслиги учун бурун мукамал аъзо қилиб яратилган.

Соғлом ақлли инсон бу ишлар ўз-ўзидан бўлган деб ўйламайди! Бу ерда улкан ҳикмат, буюк раҳмат борлигини бутун вужуди билан ҳис қилади!

**Сўлагимиз.**

Сўлагимиз [сўлак](#) безларида ишлаб чиқариладиган тиниқ ёпишқоқ суюқлик (секрет). Сўлак ейилган овқатни намлаб овқат луқмаси ҳосил бўлишига имкон беради. [Одам](#) сўлаги 99% [сув](#) ва унда эриган органик ҳамда анорганик моддалардан иборат. Катта ёшли одамларда бир кеча-кундузда 1,5 л гача сўлак ажралади. Сўлак таркибида микроорганизмлар, лейкоцитлар, ферментлардан амилаза, лизоцим, оқсиллардан альбумин, глобулин, шунингдек, холестерин, [глюкоза](#) ва [витами́нлар бор](#). Овқат хилига, организмнинг физиологик ҳолати, киши ёшига қараб сўлак сифати ва миқдори ўзгаради. Сўлак [оғиз](#) бўшлиғига тушган бактерияларни нобуд қилиш хусусиятига ҳам эга. Шунингдек, сўлак тишлар ҳаво билан тўқнашганда, Аллоҳ таолонинг фазли билан, уларни емирилишдан сақлайди. Сўлак сабабли таомнинг қизилўнгачдан ошқозонга ўтиши осонлашади. Агар сўлак бўлмаганда, еган таомимиз қизилўнгачда туриб қолиб, нафас йўли тўсилгани учун бўғилиб қолишимиз мумкин эди.

*(Давоми бор)*

***Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***